

Зиёрат

17:08 / 08.11.2017 10073

Зиёрат

Аллоҳ таоло Қуръони каримда олимлар ҳақида шундай марҳамат қилади: “Улар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир, бас, уларнинг йўлларига эргашиг” (Анъом сураси, 90-оят). Мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа айтадилар: “Уламолар ҳаёти ҳақидаги қиссалар мен учун айрим фикҳий масалалардан кўра суюклироқдир. Чунки унда олимлар одоби ва гўзал хулқлари ҳикоя қилинади”.

Мана шу ҳикматдан келиб чиқиб, «Ҳилол-нашр» нашриёти ҳамда Ислом.уз портали «Зиёрат» («Хотира») рукни остида туркум суҳбатларни эътиборингизга ҳавола этишни режалади. Ушбу лойиҳадан мақсад, бутун умрини дин хизматига бағишлаган, ўзининг хулқи, фазилатлари ва илмий камолоти билан барча ибрат бўларли уламоларимизнинг хонадонларини зиёрат қилиб, ҳозирда ҳаётлари билан суҳбат қуриш, шунингдек, илм-маърифатга хизмат қилиб, ўзидан яхши ном қолдириб кетган азизларимизнинг ворислари, оила аъзолари билан суҳбатлашиб, улар ҳақидаги хотираларни тўплаш ва эълон қилиб боришдир. Зеро, буюк инсонларнинг умри тугамайди, фақат қалбларга, хотираларга кўчади ва келгуси авлодлар учун ибрат ўлароқ халқнинг ёдида яшашда давом этади.

Ўйлаймизки, мазкур самимий суҳбатлар орқали улуғ аллома зотларнинг сиймосидаги янги қирраларини кашф этасиз, уларга янада яқинлашасиз, уларни жисман ва маънан кашф этасиз. Ниятимиз – Ислом дини ривожини, халқнинг маърифатини, Ватан равнақини йўлида буюк хизматлар қилиб, номини шарафларга буркаб ўтган азиз ватандошларнинг ҳаёт йўллари, меҳнатларини, илмий фаолиятларини эътироф этиб, бугунги авлодни улардан ибрат олишга ундаш, ўтганларимизнинг руҳини шод этишдир.

“Зиёрат” рукнидаги туркум суҳбатларини устозимиз, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ ҳазратларининг ибратли ҳаёт йўлини ўрганишдан бошлаймиз.

1. [Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари](#) (узб)

[Шейх Мухаммад Садык Мухаммад Юсуф раҳимахуллах](#) (рус)

2. [Исмоил Махдум Саттиев](#)
3. [Муҳаммад Юсуф Бойбўта ўғли](#)
4. [Абдулазиз қори мулла Маҳмуд ўғли](#)
5. [Фозилхўжа Содиқхўжаев](#)
6. [Салоҳиддин Муҳиддинов](#)
7. [Алихонтўра Соғуний](#)
8. [Абдували қори Али қори ўғли](#)
9. [Зоҳидхон қори Азимбоев](#)
10. [Зоҳидхон Қодиров Отахон ўғли](#)
11. [Раҳматуллоҳ қори Обидов](#)
12. [Пўлатжон Абдураҳимов](#)
13. [Яҳёхон қори Исмоилов](#)
14. [Дўстмуҳаммад Насриддинов](#)
15. [Абдурашид қори Баҳромов](#)
16. [Юсуфхонтўра Шокиров](#)
17. [Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон](#)
18. [Абдураззоқ Юнусов](#)
19. [Исмоил қори Исмоил ўғли](#)